



КРЕДИТ РИСКЛАРИНИ СУГУРТАЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ ВА УЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ИНДИКАТОРЛАРИ

Рашидова Дилдора

Тошкент давлат иқтисодий университетининг «Солиқлар ва сугурта иши» кафедраси магистранти

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 2 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss2/a6	Мақолада иқтисодий субъектлар томонидан амалиётда фойдаланилаётган кредитлар билан боғлиқ рискларни сугурталаш усуллари ва уларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон корхоналарининг бу борадаги тажрибаларига асосан сугурталанувчи корхоналар ва сугурталовчиларнинг ҳараркат алгоритмлари ҳамда кредит рисклари оқибатларини бартараф этишда улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилган. Кредит рисклари сугуртаси инструментлари ва уларни қўллашнинг мақбуллиги масалалари таҳлил қилинган ҳамда тақдим этилган кредит линиялари ёки уларнинг муддатлари узайтирилишининг самарадорлик индикаторлари тақлиф этилган.
KEYWORDS	<i>кредит rischi, сугурталаш инструментлари, индикаторлар, банк қафолати, факторинг.</i>

Кириш

Риск – бу ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига ёки ҳар қандай иқтисодий операцияни амалга оширишга таъсир қилиши мумкин бўлган ноаниқлик элементидир.

Кредит рискни кенгрок кўринишда қуйидагича ифода этиш мумкин: “Кредит rischi – кредит ташкилотининг шартнома шартларига мувофиқ қарздор томонидан кредит ташкилоти олдидаги молиявий мажбуриятларини бажармаслик, ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслик натижасида зарар кўриш хавфидир”. Шунингдек, кредит rischi деганда - қарз олувчи томонидан кредит шартномасининг дастлабки шартларини бажармаслик, яъни қарзнинг асосий суммасини ва у бўйича фоизларни (тўлиқ ёки қисман) шартномада белгиланган муддатларда қайтармаслик хавфи тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида риск бу -тадбиркорликнинг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Рискнинг ўзига хос хусусиятлари – ноаниқлик, қўтилмаган ҳолат, ишончсизлик ва тахминдир. Сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик шароитида риск даражаси янада ошади.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотни амалга оширишдан мақсад - кредит рискнинг моҳиятини тўлиқрок очиб бериш, Ўзбекистонда кредит рискнинг қонунчилиқда акс эттирилиши ва шундан келиб чиққан ҳолда уни сугурталашнинг зарурлигини асослаб бериш, уни сугурталашнинг замонавий усуллари илғор чет мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатиб беришдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Кредит рискга оид тадқиқотлар хорижий тадқиқотчилар томонидан кўпроқ амалга оширилган бўлиб, улар кўп ҳолларда кредит рискни қарз мажбуриятларини бажармаслик rischi сифатида, яъни кредит бўйича тўловнинг амалга оширилмаслиги rischi сифатида қарайди. М.Э.Мауернинг таъкидлашича, кредит rischi қарз ёки унинг фоизини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаслик хавфининг юзага келиши эҳтимолиги бўлиб, ушбу ҳолат кредитор фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ёки зарар билан боғлиқ [1]. Г. Е. Алпатов ва Ю.В. Баулинлар фикрига кўра, кредит рискнинг юзага келиш соҳаси контрагентларнинг баланс ва балансдан ташқари мажбуриятларидир; бундан ташқари, риск ўзида тармоқ рискни ўзида мужассам қилиши мумкин, бу қарздорнинг фаолият йўналиши

тааллуқли бўлган тармоқ ривожланишининг истикболи билан боғлиқ ноаниқликлар ёки қарздор фаолият бошлаган мамлакатга хос рисклар, хусусан, чет эллик тадбиркорлар фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ [2]. А.В.Славянский қуйидагиларни таъкидлайди: кредит рискларининг молиявий таъминоти тўлов шартлари ўз миқдорларига тўловларни кечиктиришни талаб қиладиган компанияларнинг рискларни бошқариш тизимининг таркибий қисми бўлиши шарт. Уларнинг тўлов шартлари ўз миқдорларига тўловни кечиктириш мумкинлигини кўзда тутди. Бундай кечиктириш тўлиқ ёки алоҳида товарга нисбатан қўлланилиши ёки тўлов учун вақтинчалик кредит ажратиш ва унинг муддати тугагандан кейин миқдор ўз таъминотчиси олдидаги қарзни ёпишни кўзда тутиши лозим [3]. Тадқиқотчи М.М.Тожиев тижорат банклари фаолияти ва рискнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида шундай фикр билдиради: “Қар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганидек, тижорат банклари фаолиятдан қўзланган натижа ҳам биринчи навбатда фойда олишдир. У эса албатта риск билан боғлиқ бўлади. Шу туфайли тижорат банклари олдида турган биринчи мақсад – бу риск ва фойдалилик ўртасидаги оптимал даражага эришишдир”[4].

Тадқиқот методикаси. Тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, мантикий ва таркибий таҳлил, гуруҳлаштириш, иқтисодий статистик таҳлил ва қиёсий таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Турли мамлакатлар қонунчилигида кредит рискга турлича таърифлар берилган. Масалан Россия қонунчилигида кредит рискга қуйидагича таъриф берилган: «Кредит rischi – қарздорнинг кредит шартномасига кўра кредит ташкилоти олдида ссуда бўйича олган мажбуриятларини бажармаслиги ёки талаб даражасида бажармаслиги ёки уни бажармаслигига бирор бир реал хавфнинг мавжудлиги натижасида ссуда қийматининг йўқотилишидир» [5].

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунида кредит rischi тўғрисида ҳеч қандай тушунча келтирилмаган [6]. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунида рискларга алоҳида таъриф берилмаган бўлсада, ушбу қонуннинг 42-моддаси “Банк ва банклар гуруҳининг ички назоратига ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар” деб номланган бўлиб, унда банк ва банклар

гурухи Марказий банк томонидан белгиланган ички назоратга ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талабларга риоя этиши шартлиги, банк ва банклар гуруҳининг ички назоратига ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир Марказий банк талаблари жумласига қуйидагилар кириши: банкда банк учун аҳамиятли бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва бошқариш, стресс-тестдан ўтказиш бўйича тасдиқланган сиёсатининг, шунингдек банк учун аҳамиятли таваккалчиликлар ва капитал бўйича ҳисобот тизимининг мавжудлиги; банк учун аҳамиятли таваккалчиликларни бошқаришга ва уларнинг самарадорлигини баҳолашга доир сиёсатларнинг банк томонидан изчил амалга оширилиши ҳамда уларга риоя этилиши; банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган таваккалчиликларнинг энг юқори миқдорларига ва капиталнинг монандлигига, таваккалчиликларни бошқариш бўйича банкда қўлланилаётган тартиб-таомилларнинг самарадорлигига ҳамда уларни қўллаш изчиллигига банкнинг риоя этиши устидан кузатиш кенгаши томонидан назоратни амалга ошириш масалалари кўзда тутилган[7]. Ушбу қонуннинг “Кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш” деб номланган 63-моддасида “банклар таъминланмаган кредит (ишончга асосланган кредит) бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин”лиги тўғрисида белгилаб қўйилганлигини келтириш мумкин. Ушбу ҳолат тижорат банкларининг кредит фаолиятида риск даражасининг юқори эканлигини ва бу ўз ўрнида сугуртага бўлган эҳтиёжни келтириб чиқариши тўғрисида хулоса қилиш имконини беради[7].

Кредит rischi масаласига мамлакатлар қонунчиликларида алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас, чунки бу рискнинг юзага келиш эҳтимолиги нисбатан юқори. Ушбу хулосанинг тўғрилигини бугунги кунда тижорат банклари томонидан ажратилган кўп сондаги кредитлар қапитмалданган кредитлар сифатида қайд этилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мижоз билан ишлашда аввало кредит рискнинг моҳиятини яхши тушуниш ва уни баҳолаш учун миқдорнинг молиявий ҳисоботларини (бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари) ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳамкорлиқнинг олдинги йилларида муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлигини аниқлаш зарур. Шунингдек, олдинги йиллар ва жорий йилни фойда ёки зарар билан ўқитиш, ўзлик капитал ва жалб қилинган капиталнинг мавжудлиги ва нисбати, балансдаги хусусий капитал ва заҳираларнинг, хусусий капитал ва заҳираларнинг баланс валютасига нисбатини аниқлаш (нисбат 1/3 бўлишига эътибор қаратиш) зарур. Бундан ташқари, харидор-компания кредит линиясининг суммасига қафолат тақдим эта олиши ва уни турли кўзда тутилмаган ҳолатлардан сугурталай олишини аниқлаш зарур. Тақдим этилган барча ҳисоботлар очик маълумотлар базаси маълумотлари билан таққосланади. Ушбу амалга оширилган чора-тадбирлар ижобий натижа берган ҳолатда харидорга кредит линиясини ажратиш бўйича қарор қабул қилиш мумкин. Аммо шундай ҳолатда ҳам сотиш режалаштирилган кредит маблағлари ҳажмидан ошиб кетмаслигига эътибор қаратиш зарур бўлади.

Ҳозирги вақтда, кредит тақдим этувчиларнинг кредит сиёсатида ўз кредит рискларини сугурталаш масаласи кўзда тутилган. Сугуртачи ҳам миқдорни юқорида келтирилган параметрлардан фарқ қилмайдиган талаблар бўйича баҳолайди. Бундан ташқари, харидорлар билан муносабатлар тарихи ҳамда қарздорлик реестрини, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тақдим этишнинг талаб этилиши зарур.

Одатда, сугурталовчи қарор қабул қилиши учун миқдор-компаниянинг уч йиллик иш фаолиятини ва яқин келажақдаги режаларини ўрганиши талаб этилади. Потенциал сугурталовчи қуйидаги жорий ҳолатларни кўзда тутувчи анкетани тўлдирishi керак бўлади:

- Бизнес ҳажми ва қарздорликлар;
- Харидорлар таркиби;
- Тўлов муддатларининг қўзилганлиги ҳолати;
- Ёмон қарзлар тарихи;
- Бизнесининг даврийлиги (агар мавжуд бўлса);
- Янги ҳамкор билан ишлаш тўғрисидаги қарор қандай маълумотлар асосида қабул қилиниши;
- Ҳамкорларни назорат қилиш тизими қандай ишлаши;
- Муддати ўтган қарздорликни ундириш жараёнлари қачон бошланиши.

Ижобий хулоса олинган ҳолатда кредит линиясининг лимити белгиланади ва таъминотчи компанирия билан бир йил муқддатга сугурта шартномаси тузилади. Тўланадиган фойза фақат таъминотчи компанияга боғлиқ бўлмайдиган, балки бозорнинг умумий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади, яъни бозордаги ҳолат бир текис давом этаётган бўлса

сугурта компанияси томонидан белгиланадиган лимит каттарок бўлиши ва ўз ўрнида фойза даражаси ҳам паст бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу сугурта турининг индивидуаллик даражаси юқори ҳисобланади.

Ҳозирги даврда сугурта бозоридаги тенденция асосий қизиқиш йирик ва ўрта бизнесга қаратилган бўлиб, кичик бизнесга қизиқиш нисбатан паст даражада. Аммо шуни таъкидлаш керак, кичик бизнес тўғрисида тушунчи турли сугурта компанияларида турлича шаклланган. Бунда асосан сугурта мукофотининг минимал қиймати асосланади. Дейлик, сугурталовчида ушбу қиймат 20 минг доллар миқдоридан белгиланган. Бундай ҳолатда нима учун 5 млрд. сўм йиллик айланмага эга бўлган компания учун сугурта мукофоти ставкаси юқори бўлиши ўз-ўзидан тушунарли бўлади. Яъни йирик компаниялар учун кредит сугуртасининг шартлари қулай бўлади. Сугурта мукофотининг даражасига яна бир қанча факторлар таъсир қилади, булар: миқдорлар сони, рискнинг тақсимланиши, сугурта компаниясининг хизмат кўрсатиш географияси, тўлов муддатини узайтириш имконияти (муддат узок бўлса тариф ставкаси юқори, аксинча тўлов муддати қисқа бўлса тариф ставкаси паст бўлади). Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон сугурта бозорида қўлланилаётган тариф ставкалари ривожланган мамлакатлардаги тариф ставкаларига нисбатан 20-30 фойза юқори.

Шартномани тузиш босқичида компаниядан қуйидагилар талаб этилади: ариза ва у сугурталашни кўзда тутаяётган ҳамкорлар рўйхати; ҳамкорларнинг бухгалтерия ҳисоботларини олиш борасидаги қўмағи. Сугурта шартларига компаниянинг кредит портфели таркибини тақдим этиш керак, хусусан:

- сугурталанган ҳамкорлар сони ва уларга белгиланган кредит лимитлари суммаси;
- кейинги 12 ой давомида контрагентлар билан товар айирбошлаш кўринишида ифодаланган кредит лимитларининг тўлов муддати ва айланishi даврийлиги;
- компаниянинг бир ёки бир нечта франшизаларда ифодаланган таваккалчиликлардаги иштироки;
- сўнгги уч йилдаги зарарлар тарихи.

Агар тўлов бўйича кечикиш юзага келса, сугурта қилдирувчи сугурта компаниясини дарҳол хабардор қилиши зарур, бу эса ўз навбатида харидор томонидан имзоланган ва муддати ўтган қарзнинг мавжудлигини тасдиқловчи товарларни жўнатиш учун ҳисоб-фактурани тақдим қилишни талаб қилиши мумкин. Ундан кейин қарзни тўлаш амалга оширилади.

Агар контрагент товар учун тўлов вақти келганда тўловни амалга оширмаса, компания бу ҳақда сугурталовчинини хабардор қилади (қоидага кўра кечиктирилган биринчи кундан бошлаб 30 кун ичида). Сугуртловчи хабардор қилинган пайтдан бошлаб қутиш даври (одатда камида 150 кун) ҳисобланади. Бу вақт давомида компания сугурталовчи билан биргаликда, пулни ундиришга қаратилган бир қатор судгача ва ёки суд даврида чоралар кўради. Ушбу муддат ўтгандан кейин қарзни ундиришнинг иложи бўлмаса ёки қарздорга нисбатан банкротликка тааллуқли чораларнинг бирортасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилса, бундай ҳолатда сугурта ҳодисаси юз берган деб ҳисобланади ва сугурта қопламаси тўлаб берилади.

Аммо, амалиётда сугуртанинг бундай шаклини амалга ошириш имконияти трансмиллий компаниялардагина мавжуд. Ўзбекистонда кредит сугуртасидан фойдаланувчилар асосан чет эл корхоналари бўлиб, улар ушбу инструментга анча ўрганишган, мамлакат бизнесменлари эса ушбу маҳсулотдан фойдаланишга шошилишмаяпти, бунинг асосий сабаби уларнинг бу борадаги тушунчалари етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон сугурта компаниялари асосан йирик ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, улгуржи савдо билан шугулланувчилар билан бу борада оз бўлсада ҳамкорлик қилмоқда.

Хавфнинг олдини олиш ёки уни қамайтиришнинг самарали воситаларидан бири сугурталашдир. Ўз навбатида, экспертлар томонидан қуйидаги шаклда гуруҳланган ва тақдим этилган кредит рискларини сугурталаш воситаларининг хилма-хиллиги аниқланади. Шу билан бирга, мутахассислар кредит рискларини сугуртасининг қўллаб-қувватлаш воситаларини ажратиб кўрсатишади. Улар қуйидаги расм кўринишида келтирилди (1-расм):

Муайян воситалардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳар бир компания томонидан ривожланишнинг ички омилларига ва ташқи муҳит билан ўзаро таъсирнинг ташқи омилларига (банкдаги кредит тарихи, ҳозирги вақтда муддати ўтган қарзларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги) қараб ўз хоҳишига кўра белгиланади. Мазкур омилларнинг асосийларини тавсифлаймиз, бизнинг



1-расм. Кредит рисклари суғуртаси инструментлари

фикримишча, барча воситаларни қимматли қоғозлар бозори воситалари, банк ва психологик воситаларга бўлиш керак.

Учинчи шахсларнинг кафолати. Кафолат берувчи компаниянинг бухгалтерия баланси “яхши” баланс бўлиши зарур. Чунки зарурат бўлганда у қарзни ўзи тўлашига тўғри келади, тўловни ўз хоҳиши билан амалга оширмаган тақдирда суднинг қарори асосида ундиришнинг қонуний асоси ишга тушади.

Банк кафолати. Банк кафолати одатда юқори даромадли корхоналарга нисбатан қўлланилади, чунки бу анчагина қиммат кафолат ҳисобланади. Кафолат нархи мамлакатдаги макроиктисодий кўрсаткичлар, компания рейтингини ва кредит ҳажмига қараб ўзгаради. Шу билан бирга, бозорда ҳар қандай ҳолатда паст даромадли корхоналар учун арзонроқ кафолат воситалари ҳам мавжуд.

Банк кафолати масаласида кўп ҳолларда банклар томонидан қўйиладиган шарт борки, банклар банк кафолатини тақдим этиш орқали қарздорларга маълум мажбуриятларни, масалан, банк ҳисобварағига маълум миқдорда депозит қўйиш (музлатиш) талабини қўяди. Бундай талаб кўпгина компаниялар учун уларнинг имкониятларини чеклаб қўяди. Масалан, айланма маблағларининг тез айланиши билан паст рентабеллик даражасида ишлайдиган дистрибьюторлар учун бундай талаб қийинчилик туғдиради. Бу масалада ҳар бир мижознинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва банк кафолатининг талаб қилинадиган минимал миқдори ва ушбу хизмат учун банк комиссияси харажатларини тақсимлаш бўйича мослашувчан бўлиш муҳимдир.

Факторинг

Бу сотувчининг суғурта усули бўлиб, бунда банк харидорнинг етказиб берувчига қилган тўловларини ўз вақтида кузатиб боради ва харидорга жўнатиш ҳужжатларини текширади. Факторинг қарз етказиб берувчи компанияга тўлиқ ёки қисман ўтказиш билан содир бўлади, қачонки у “ёмон”га айланса. Бу энг арзон восита эмас, унинг қиймати банк, харидор-компанияларнинг баҳоси, бозордаги умумий ҳолат ва бошқа шу қабилирга боғлиқ.

Шаклига кўра факторинг – пул талабномасининг ўрнига қўлланиладиган усулдор, моҳиятига кўра эса, қисқа муддатли дебиторлик қарзларини (қоида тариқасида 180 кундан ортиқ бўлмаган) сотиб олиш йўли билан етказиб берувчиларга кредит тақдим қилишдир. Ҳужжатлар тўпламини қўриб чиқиш ва лимитларни белгилашдан сўнг факторинг компанияси ва етказиб берувчи компания ўртасида шартнома имзоланади, факторинг ҳисобварағи очилади ва у харидорлар билан ҳисоб-китоб қилиш реқвизитларида кўрсатилади.

Факторинг компаниясига товар жўнатишнинг тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилингандан кейин ҳисоб-фактурада кўрсатилган сумманинг 90-95 фоизи миқдоридаги маблағни етказиб берувчига тўлаб беради. Харидор томонидан факторинг ҳисобига нисбатан қарздорликнинг қолдиқ суммаси комиссия чегириб ташланган ҳолда 100 фоиз миқдорда етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Агар харидор тўловни вақтида амалга оширмаса, факторинг компания қарздорликни узиш учун қўшимча вақт беради (қоидага кўра 45 кун). Ушбу муддат давомида ҳам тўлов амалга оширилмаса факторинг компания қарздорлик суммаси ва комиссия суммасига нисбатан тўлов-талабномасини қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу факторинг компаниясининг операцион risksи ҳисобланади. Амалиётда факторинг компания регрессиз факторинг шартномасини тузишга қизиқиш билдиради. Регресс ҳуқуқи билан

факторинг фоиз ставкаси йиллик 9-10 фоизни ташкил этади, регрессиз эса рискни факторинг компанияга ўтказилиши туфайли фоиз миқдори юқори бўлади (йиллик 11-13 %).

Вексел орқали тўлов шакли. Векселлар компаниялар томонидан чиқарилган, айирбошланмайдиган векселларга ва банклар томонидан чиқарилган, айирбошланадиган векселларга бўлинади. Банклар томонидан чиқарилган вексел эгалари уларни векселда кўрсатилган муддат ичида хоҳлаган пайтда банкка тўлов учун тақдим қилиши мумкин ва банк дисконтланган суммани тўлаб беради. Агар вексел амал қилиш вақти тугаганда тақдим қилса, бундай ҳолатда векселнинг тўлиқ суммасини банк тўлаб беради. Шундай қилиб, айирбошланадиган векселни тўлов муддати кечиктирилган нақд пул эквиваленти деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу молиявий инструментнинг қиймати банк кафолатидан кўра паст. Компания томонидан чиқарилган вексел ҳам қимматли қоғоз ҳисобланади. У кўпроқ кафолатга ўхшайди. Суд жараёнлари юзага келганда ушбу векселнинг тақдим қилиниши жараёни анча енгиллаштиради, аммо у тўлиқ тўлов кафолати сифатида ва пул воситасининг эквиваленти сифатида қаралмайди.

Аккредитив тўлов шакли – у етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш унга хизмат кўрсатувчи банкда шу мақсадда харидорнинг банкка махсус киритилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бу етказиб берувчига етказиб берилган товар учун ҳақ тўланишини кафолатлайди ва харидорга банк кафолатига қараганда пастроқ фоизда тўловни кечиктириш имкониятини беради.

Мулк эгасининг кафолати. Мулк эгаси ўзига қарашли мулкни ўз номидан гаров сифатида қўйиш билан шунга рози бўладики, яъни агар қарздорлик юзага келганда у суд қарори билан мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Коллектор агентликларига мурожаат қилиш. Бундай ҳолатда коллектор ширкатга даъво ҳуқуқларини ўтказиш (ўтказиш шартномаси) амалга оширилади ёки бу қарз қардор жамиятнинг кредитга лаёқатлилигига, кечиктириш муддатига қараб маълум чегирма билан сотилади. Кечикиш содир бўлган кундан бошлаб қанча кун ўтган бўлса, қарзнинг тўлиқ миқдорини ундириш имконияти шунчалик юқори бўлади. Коллектор хизматлари қиммат бўлиб, қарз суммасининг 10-50 фоизини ташкил этиши мумкин.

Рисклар ҳолатини баҳолашда қуйидаги индикаторлар ёрдам беради:

- бутун компания учун ҳам, унинг ҳар бир мижози учун ҳам кечиктирилган тўлов миқдори;
- бутун компания учун ҳам, алоҳида мижоз учун ҳам тақдим этилган, кечиктирилган тўлов кунлари сони. Ғарб молиявий менежментини бу DSO деб аталади – кунлар савдоси – мижозга товарларни жўнатиш ёки хизматларни кўрсатиш ва унинг жўнатишган товарлар/хизматлар учун тўлови ўртасидаги вақт;
- қарзнинг ҳолатини баҳолаш, яъни мижознинг қарзи кечиктирилган тўлов шартномаси доирасида ёки муддати ўтиб кетгани.

Хулоса. Хулоса сифатида шунини таъкидлаш мумкинки, компаниянинг кредит рискларини камайтириш фақат битта нарсга боғлиқ – сиз ўз мижозингизни биласизми ёки йўқми, унинг эҳтиёжларини биласизми ва уларни тушунасизми, унинг бизнесининг мумкин бўлган қийинчиликларини биласизми ёки йўқми. “Ўз мижозингизни бил” тамойили компаниянинг рискларини бошқариш принципларининг асоси бўлиб, қарзнинг ўз вақтида

олиниши ёки муддати ўтиб кетишини аниқ башорат қилиш ва шу асосда кейинги ҳатти-ҳаракатлар стратегиясини аниқлаш имконини беради.

References:

1. Маурер М.Э. Управление рисками [Текст] / М.Э. Маурер, А.В. Мохов // Банки и аудит. – 1998. №5. С. 13-17.
2. Алпатов Г. Е., Базулин Ю.В. Деньги. Кредит. Банки: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С. 524-525.
3. Славянский А.В., Оценка факторов и предпосылок возникновения кредитного риска при банковском финансировании юридических лиц // Аудит и финансовый анализ. – 2011. №2. Электронный ресурс: auditfin.com.
4. Тожиев М.М. Банк рисклари ва уларни бартараф қилишнинг долзарб масалалари. //Иқтисод ва молия/Экономика и финансы. 2018. 8(116)
5. О типичных банковских рисках [Электронный ресурс]: указание оперативного характера Центрального банка РФ от 23 июня 2004 г. №70.
6. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги Қонуни. 2019 йил 11 ноябрь. ЎРҚ-582-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.11.2019 й., 03/19/582/4014-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2019 йил 5 ноябрь. ЎРҚ-580-сон. <https://Lex.uz>